

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ТАЪЛИМ, ФАН ВА ИННОВАЦИЯЛАР ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

Кўлёзма ҳуқуқи асосида
УЎК: 336.71 (575.1):28

ИМАМНАЗАРОВ ЖАҲОНГИР МУҲАМЕДОВИЧ

ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИ ИМКОНИЯТЛАРИДАН ЎЗБЕКИСТОН
ИҚТИСОДИЁТИДА ФОЙДАЛАНИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИНИ
ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

08.00.01 – Иқтисодиёт назарияси


Иқтисодиёт фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

илмий даражаси олиш учун ёзилган

ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар:

Иқтисодиёт фанлари доктори,
профессор Нурислон Тўхлиев



Тошкент – 2023 йил

1252

МУНДАРИЖА

КИРИШ	3
I боб: ИСЛОМ ИҚТИСОДИЙ-МОЛИЯВИЙ МУНОСАБАТЛАРИНИНГ НАЗАРИЙ КОНЦЕПТУАЛ ЖИҲАТЛАРИ	13
§1.1. Ислом банк-молия муносабатлари тушунчаси ва унинг илмий талқини	13
§1.2. Исломда молиявий муносабатларнинг ўзига хос хусусиятлари, ундаги тақиқ ва чекловлар	21
§1.3. Ислом банк-молия муносабатлари ривожланишининг хориж тажрибаси	40
II боб: ИСЛОМ БАНК-МОЛИЯ ТИЗИМИ ФАОЛИЯТИНИНГ ИЖТИМОИЙ-ИҚТИСОДИЙ САМАРАДОРЛИГИ	60
§2.1. Ислом банк-молия тизимининг асосий маҳсулотлари ва хизмат турлари	60
§2.2. Анъанавий ва ислом банклари фаолияти самарадорлигининг қиёсий таҳлили	73
§2.3. Инқироз шароитида ислом банк-молия тизими фаолиятининг самарадорлиги	82
III боб ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШДА ИСЛОМ МОЛИЯ ТИЗИМИ ИМКОНИАТЛАРИДАН САМАРАЛИ Фойдаланишнинг устувор йўналишлари	96
§3.1. Инвестицияларнинг ички ва ташқи манбаларини диверсификациялашда ислом банк-молия тизими имкониятларидан фойдаланиш	96
§3.2. Ўзбекистоннинг хорижий ислом молия муассасалари ва халқаро ислом молия ташкилотлари билан ҳамкорлигини кенгайтириш	112
§3.3. Ўзбекистон банк-молия тизимини ривожлантиришда ислом молияси маҳсулотлари ва хизмат турларидан фойдаланиш имкониятлари	122
ХУЛОСА	143
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати	148

Кириш

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Ислом молия тизими сўнгги йилларда жаҳон банк-молия тизимининг муҳим тармоғи сифатида танилиб, йилдан йилга юқори кўрсаткичларга эришиб ўз мавқеини мустаҳкамлаб келмоқда. Бир неча йил ичида Жаҳон Ислом банк-молия тизими ҳажми 758 млрд. АҚШ долларидан (2007 йил) 3,37 триллион АҚШ долларига етди (2021 йил)¹. Ушбу тизим жадаллик билан ривожланиб, анъанавий банк-молия тизимига ёндош тизим сифатида дунёнинг кўп мамлакатлари, жумладан мусулмон бўлмаган (яъни Ислом ҳамкорлик ташкилоти аъзолари бўлмаган) давлатларда ҳам оммалашиб бормоқда.

Жаҳонда ислом иқтисодиёти ва молияси тушунчасининг назарий-концептуал асослари, ислом молия тизимининг дунё мамлакатлари банк-молия тизимидаги ўрни, аҳамияти, ривожланиш тенденциялари ва келажагини баҳолашга оид кўплаб тадқиқотлар олиб борилган ва бу жараён давом этмоқда. Тадқиқотларда ислом молия тизимининг жаҳон миқёсидаги мавқеини мустаҳкамлаш ҳамда унинг имкониятларини кенгайтириш масалалари ҳам ўрганилмоқда. Ислом молия тизимининг ривожланиб бориши ушбу мавзуга доир барча масалаларни тартибга солиш, мувофиқлаштириш, тизимлаштириш, ҳамда ушбу тизимнинг жаҳон иқтисодиёти тараққиётига таъсир даражасини жиддий равишда ўрганиш ва қамровини кенгайтириш бўйича илмий изланишлар олиб бориш тақозо этилади.

Ўзбекистонда кейинги йилларда ислом молияси маҳсулотларига қизиқиш сезиларли даражада кучайгани сабаб, ушбу соҳада илмий изланишлар олиб бориш, ҳамда амалий ишлар, хусусан Ислом тараққиёт банки ва унинг гуруҳи таркибига кирувчи ташкилотлардан чекланган миқдорда *муробаҳа* ва *ижара* молиялаштириш линиялари жалб қилишга қаратилган ишлар кўлами ортган. Бирок, ислом молиявий хизматлари ва маҳсулотларини маҳаллий молия муассасалари томонидан тўлақонли қўллаш

¹ <https://www.refinitiv.com/en/resources/special-report/islamic-finance-development-report>